

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 104 (10.157)

2004 ЙИЛ 2 ИЮНЬ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

1 июнь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятининг ривожланиши, бу ерда кейинги пайтда амалда намоён бўлаётган натижалар, эришилган марралар ҳақида гапирди. Айниқса, вилоят маркази - Термиз шаҳрининг қиёфаси мустақиллик йилларида бутунлай ўзгарганини, унинг нуфузи юксалаётганини қайд этди.

Вилоят иқтисодий-ижтимоий ривожини юксалтириш мақсадида кейинги йилларда ҳукумат томонидан бир қанча йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли, Тўполон сув омбори қурилиши шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси одамлар учун ҳар тарафлама қулайликлар яратишга, уларнинг ҳаётини фаровон этишга қаратилган. «алқ ҳўжалигининг бошқа тармоқ ва соҳаларида ҳам ижобий силжишлар бор. Хусусан, ўтган йили вилоятда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 5,3 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, вилоятда саноат, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маданият каби қўлгина соҳаларда қоқоқликка, хато ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Айниқса, оқори раҳбарлик лавозимларида ўтирган айрим шахсларнинг ўз масъулиятини йўқотиши оқибатида вилоятда маънавий муҳит ва адолат таъминлаётганининг бузилиши билан боғлиқ ноҳуш ҳолатлар юзага келган.

Президентимиз уқтирганидек, қайд

этилган муаммолар чуқур илдиз отмасидан олдин бундай ноҳуш вазият, муҳит пайдо бўлишининг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш зарур. Бу аса қўл жиҳатдан жамиятда ошқоралик таъминини ўрнатиш билан боғлиқдир. Ошқораликни ҳаётимизнинг барча соҳаларида, ҳамма жойда қарор топтиришимиз керак.

Сессияда ташкилий масала қўрилди. Тошмирозо Қодиров вилоят ҳўқими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислоҳ Каримовнинг тавсиясига биноан Денов тумани ҳўқими лавозимда ишлаб келаётган Абдулҳўқим Эшмуродов вилоят ҳўқими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Узун туманидаги 3-ўрта мактаб директори Инобат Қурбонова, Қумқўрғон тумани ҳўқими Нормўмин Чориев, Термиз шаҳридаги 1-поликлиника бош шифокори ўринбосари Зулфия Азизова, «Халқ йўли» газетаси бош муҳаррири Абдурашул Жумақўлов, «Аёл ва замон» газетаси бош муҳаррири Жамила Эргашева ва бошқалар Президентимиз нутқида келтирган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни ушўқоқлик, ташаббускорлик ва масъулият билан адо этиш вилоят аҳлининг асосий бурчи эканини таъкидладилар.

**В.ЛУҚМОНОВ,
Ч.ТЎХТАЕВ,
ЎЗА маҳсус муҳбирлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.Х.Эшмуратовни Сурхондарё вилоятининг ҳўқими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/12-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Абдулҳўқим Хўшбоқович Эшмуратов Сурхондарё вилоятининг ҳўқими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 1 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Т.Ў.Қодировни Сурхондарё вилоятининг ҳўқими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Тошмирозо Уроқович Қодиров Сурхондарё вилоятининг ҳўқими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 1 июнь

XXI саҳоси

Барча малбалардан
олиқган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Ўзбекистон ва Германия ҳўкуматлари ўртасидаги техникавий ҳамкорлик ҳамда «Репродуктив саломатлик тизimini ривожлантиришга қўмақлаш» лойиҳаси бўйича ҳўкуматларaro битимлар имзоланди.

• Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон ва АҚШ ҳўкуматлари ўртасида наркотик моддаларни назорат қилиш ва ҳўкумини қўллашга қўмақлаш тўғрисида 2001 йил 14 августда тузилган битимга киритилган тўзатишларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

• БМТнинг Болалар жамғармаси ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонасида республика-миз вазирлик, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида «Ҳаёт учун далиллар» китобининг тақдими бўлиб ўтди.

• Самарқанд вилоятида фаолият қўрсатаётган қўшма корхоналар сони яна иккитага қўпайди. Хусусан, Ургўч туманида туркиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда «SamNUR-TAFIZ», Самарқанд шаҳрида аса «UmidNabixoda» Ўзбекистон-Афғонистон қўшма корхоналари ташкил этилди.

• Андижон вилоятидаги Нарсриддин Эсонов номи ширкат ҳўжалигининг «Оқбулок» қишлоғида кундузги стационар, дорихона, лаборатория, физиотерапия, ташхис, игна билан даволаш, халқ таъobati хоналарига эга қишлоқ врачлик пункти таъмирланиб, ишга туширилди.

• Жаҳонда

• Фластин муҳторияти бошлиғи Ёсир Арофат Исроил телеканалига берган интервьюсида Исроил бош вазири Ариэл Шарон билан учрашишга тайёр эканлигини билдирди.

• Белоруссия парламентининг Вакиллар палатаси (қуйи палата)га навбатдаги сайловлар жорий йилнинг 17 октябрида ўтказилиши белгиланди.

• Жанубий Африка Республикасининг Малайзиядаги элчиси Ёрданчиси Николас Шольц йўқолиб қолганлигини Малайзия ҳўкумати расман эълон қилди.

• Қўнматбаҳо спорт машиналарини ишлаб чиқарувчи «Феррари» компаниясининг бўлимини бошқариб келган Лука Корделло ди Монтеземоло Fiat компаниясининг янги раҳбари этиб тайинланди.

• Грузия Хавфсизлик кенгаши ушбу чегара орқали Грузияга тошларнинг ноқонуний кириб келишининг олдини олиш мақсадида Озарбойжон билан чегарани вақтинчалик ёпишга қарор қилди.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

Қўнматбаҳо

• **БУГУН** Миллий матбуот марказида «Tagora Records» компанияси ташаббуси билан ўзбек киноижодкорлари томонидан яратилган «Севин» кинофильмининг тақдими оқибатдан матбуот аңжуманида уюштирилди.

• **БУГУН** Бектемир туманидаги Марказий кутубхонада «Бектемир» маҳалласи фаоллари иштирокида ўтказилган тадбир «Меҳмуруват — улғ фазилат» деб номланди. Унда «Энг яши китобсевар китобхон» кўрик-танловининг голибларига асдалик совғалари топширилди.

• **БУГУН** «Умид» болалар спорт ўйинлари марказида «Умид» нихоллари спорт мусобақаларининг республика босқичида голиб чиққан пойтахтлик ёшларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

• **БУГУН** «Олдўз Булуни» мажмуасида Халқаро болаларни ҳўмож қилиш кўни муносабати билан Юнособод туманида яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон болалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун байрам тадбири ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳўқимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
муҳбирларимиз
хабарларидан.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залда «Она заманига - тиңчилик» шиори остида ўтказилган республика кўрик-танловининг якуний босқичи 1 июнь - Халқаро болаларни ҳўмож қилиш кўнига тўғри келди. Тадбирда юртимизда фаолият қўрсатаётган болалар бадий ижодиёт марказлари, ҳаваскорлик мусиқа жамоалари, халқаро ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

САЙЁРАМИЗ ДОИМ ТИНЧ БЎЛСИН

Мамлакатимизда тасвирий санъат соҳасида ижод қилаётган ёш истеъодларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган мазкур танлов «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жа-

мғармаси, Бадий академия, Тошкент шаҳар ҳўқимлиги, бир қатор вазирлик ва ташкилотлар, жамғармалар томонидан ташкил этилди.

Танловнинг дастлабки босқичларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тош-

кент шаҳрида истиқомат қилаётган миңлаб иқтидорли болалар иштирок этди. Тақдим этилган расмларда болаларнинг тиңчилик ва осойишталик ҳақидаги тасавурлари содда ва самимий тарзда ифодаланган. 4-6 ёшлилар гуруҳида тошкентлик Раъно Рустамова, 7-11 ёшлилар орасида чинозлик Маъмур Ашрафонов, 12-15 ёшлилардан тошкентлик Ира Вялкова биринчи ўринга лойиқ топилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

ЎЗА

Тошкент — Берлин:

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳўқими Р.Шоабдурахмонов бошчилигидаги хайъат Берлин бургомистри тақлифига биноан Германияда бўлди.

Хайъат аъзолари ГФР иқтисодиёт ва меҳнат вазирлиги, Берлин сенати ва «Даймлер Крайслер, АГ» концернининг Берлиндаги ваколатхонасига таширф буюриб, ўзаро манфаатли алоқалар истиқболини муҳокама қилдилар. Жумладан, мулоқот чоғида «Мерседес» ва «Евобус» маркази автобусларни Ўзбекистонга олиб келиш, икки давлат товар ишлаб чиқарувчилар палаталари ўртасидаги шериклик муносабатларини фаоллаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Берлин бургомистри К.Воверайт билан учрашувда Ўзбекистон ва Германия пойтахтлари маъ-

муриятлари даражасидаги алоқалар ҳолати, шаҳар коммуникациялари, транспорт, коммунал хизмат қўрсатиш ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон хайъати мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси томонидан уюштирилган «Ўзбекистон ва Германия тадбиркорлари ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида» бизнес аңжуманида ҳам иштирок этди.

Дастур доирасида «Тошкент» фотоэкспозицияси ва ўзбек эстрадаси усталарининг концерти намойиш этилди.

«Жаҳон» АА

(Берлин таасуротлари ҳақида газетамизнинг келгуси сонларида танишасиз)

Иқтисодиёт

ДАСТГОХЛАР ЯНГИЛАНМОҚДА

Имкониётларини чама-лаб чиққан «Тошкент чинни заводи» хиссадорлик жамияти чиннисозлари жорий йилда 750 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, чинни буюмларининг янада харидоргир турларини яратиш йўлида астойдил изланишмоқда.

Албатта, бугунги бозор талабдаги рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш учун сифатли хом ашёдан ташқари замонавий дастгоҳ ва ускуналар ҳам нихоятда қўл келади. Шу боисдан ҳам айни даврда корхонадаги мавжуд эскирган дастгоҳларни қайта таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга малакали чиннисозлар маҳоратидан фойдаланган ҳолда ёш, ғайратли кадрлар тайёрлашга ҳам аҳамият берилган. Ана шу туфайли ҳамда ишлаб чиқариш ҳамининг ортиб бориши натижада ўтган йилда 170 та кўшимча ишчи ўринлари яратилди.

Корхонада жорий йилнинг биринчи чорагида 210 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланган бўлса, уларнинг кўпчилиги янги турдаги чинни термариридир. Бу, албатта эскирган технологик линияларни янги сисга алмаштириш ҳамда тажриба-синов цехи, модельер-дизайнерларнинг изланишлари самарасидир.

Корхонада 40 фоиздан зиёд маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда Россия ва Украинадан ана шундай керакли материаллар олинади. Шуниси эътиборлики, корхонага замонавий асбоб-ускуналар, қимматли буюқ ҳамда зарур материалларни сотиб олиш учун АКШнинг «Stenford Capital Ink» компанияси томонидан уч юз миллион сўмлик сармоя киритилди. Бу, албатта изланиб, имкониёт кидириб ўз мавқеларини тиклаш йўлида меҳнат қилаётган жамоа ахли муваффақиятларини таъминлашда муҳим омил бўлади.

«OFS» МАҲСУЛОТЛАРИ

Юртимизда тадбиркорлар сафи ортиб борар экан, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нафақат ички, балки хориж бозорида ҳам харидоргирлиги изланишлари самараси эканлигидан далолатдир.

«OFS» кичик корхонасида замонавий бичимдаги эркаклар костюм-шим ва аёллар костюмлари Германия ҳамда Япониядан келтирилган тикув дастгоҳлари ёрдамида тайёрланмоқда. Корхона тадбиркорлари туркиялик мутахассислар билан мустаҳкам алоқа боғлаш бўлиб, Дубай ҳамда Туркиядан келтирилган сифатли матолат бозориги маҳсулотларни буюртмачиларга етказиб беришда қўл келмоқда.

— Жорий йилдан бошлаб ойна 1000 данадан маҳсулот чиқаришга эришялмиз, — дейди корхона бош менежери Комил Фозилов. — Маҳсулотларимиз харидорларга ўз фирма дўконимиш, пойтахтимиздаги «Тошкент универмаги», Чилонзор савдо маркази ва йирик супермаркетларда сотилмоқда. Келгусида эса барча вилоятларда фирма дўкони очилиш режалар турибмиш. Энг асосийси эса бозорни хорижликдан асло қолишмайдиган маҳсулот билан таъминлаялмиш.

Шарофат БАХРОМОВА

— Ҳамшира таълими тизимини яхшилаш бора-борасидаги ушбу лойиҳага яқун ясалган бўлсада, аммо ҳамкорлигимиз қирралари ҳали бисёр, — деди жумладан тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Феруз Назиров. — Бугунги кунда республикадаги олти институт ва

54 та коллежлар, яъни барча тиббиёт ўқув юрти тиббиёт тизимини яхшироқ қилишга алоқадор бўлиб келмоқда. Сир эмаски, бу борадаги муаммолар кейинги йилларда долзарблигига қолаётган эди. Янги таълим стандартлари жорий этилиши ўз навбатида тегишли амалиёт анжомларининг ҳам янгилигини тақозо этарди, лекин ўқув юрларимизнинг моддий-техника негизи замон талабларига номуносиблиги ушбу йўналишда кўп қийинчиликларни юзага келтира қилиб айтганда у ачинарли ҳолатда эди. Япония ҳукуматининг беғараз

ёрдами туфайли ушбу масалаларни кун тартибидан тўлиқ чиқаришга эришилди, десак адашмаган бўламиз. Галдаги уч миллион АКШ долларига тенг грант «Ҳамшира таълими тизимини яхшилаш» лойиҳаси-

нинг мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида ислохотлар аҳамиятини онгли равишда чуқур ҳис этиши, кадрларнинг касб маҳоратини ошириш, уларни замон талабига мос ўқитиш борасида

Ҳамкорлик қирралари

ЯГОНА МАҚСАД САРИ

1-республика тиббиёт коллежида Япония ҳукуматининг беғараз қўллаб-қувватлаш йўналиши бўйича замонавий тиббиёт ўқув анжомларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

ни татбиқ этишга ажратилди. Ушбу соҳада Япония билан 1995 йилдан буюн ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганмиш. Ўтган деярли ўн йил давомида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида Япония томонидан 40 миллион АКШ долларига яқин беғараз ёрдам маблағи ажратилди. Таъкидлаш ўринлики, бундай ҳамкорлик биринчи навбатда мутахассис кадрларимизнинг дунёқарашини, ўз касбига бўлган муносибатини кескин ўзгартиришга, шу жумладан уларнинг интеллектуал даражасини оширишга ҳам имкон берди. Япониянинг бир нечта тиббий клиника ва ўқув марказларида бўлиб ўтган тажриба алмашувлари ўзбекистонлик мутахассислар-

нологиялар жорий этилиши юзасидан ўрганишлар олиб бораётган япониялик волонтерлар — кўнгилдилар ёрдами ҳам бизларга асқотмоқда. Соғлиқни сақлаш тизими — ўзига хос шундай соҳаки, у ёки бу муаммолар ечимида турли ёндошувлар бўлмаслиги керак, зеро бу борадаги пироварди мақсадимиз ягона — у ҳам бўлса инсон саломатлигидир. Демак, бу борадаги бир-биримизга қўрсатилаётган ёрдам ҳар доим келиш ва фойдали. Ишончим комилки, ҳамкорлигимиз давомий ва шу тарзда самарали бўлиб қолади.

Тадбирда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Акио Кавато иштирок этди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Қурилиш майдонларида

ЯНА БИР МУҲТАШАМ МАЖМУА

Мирзо Улугбек туманида қад ростлаётган даволаш-соғломлаштириш мажмуасида бугунги кунда 3 сменада ишлар қизғин бормоқда.

Мазкур қурилиш объектининг буюртмачиси Республика Солиқ қўмитаси бўлиб, бунёдкорликда етарли тажрибага эга «Туронмарказқурилиш» акционерлик жамиятига қарашли 4-, 2-қурилиш бошқармаларининг қўли гул бўлиб, у

баскетбол, волейбол, кураш ишқибозларига мўлжалланган. «Г» блокада тренажёр залларида спорт билан шуғулланувчилар учун етарли шароитлар яратилади.

Ушбу мажмуа қурилишида монтажчилар бригадаси бошлиги Вячеслав Ишқов, бетончилар бригадир Зухриддин Акма-ловлар моҳир ишчиюшлардан саналади, ишчилардан — пайвандчилар Аҳмад Солихов, Рашид Аҳмедшин, монтажчи Аҳмад Бектемировлар ҳам ғайрат қўрсатишмоқда.

Қад ростлаётган мажмуанинг нафақат кўркамлиги ва дид билан пардозланиши, балки мустаҳкам ҳамда узоқ йиллар хизмат қилишини таъминлашда қурилиш ашёларининг ўрни алоҳида эканлиги айни ҳақиқатдир. Мазкур қурилишда маҳаллий хом ашёлардан унумли фойдаланилмоқда. Масалан, Чуқурсойдаги «9-темир-бетон заводи»дан сифатли панеллар, «Мингчи-

Маънавият

МАРКАЗДА ВИРТУАЛ КУТУБХОНА

Компьютер саводхонлигини ошириш йўлида кўрилаётган тадбирлар натижаси ўлароқ замонавий технологияга асосланган кутубхоналар ҳам юзага келмоқда. Эндиликда виртуал зиё масканлари деб ном олган кутубхоналар ҳам китобхонларга намунали хизмат қўрсатмоқда.

Республика ахборот ресурс марказида янги ташкил топган виртуал кутубхона ҳам зиёкор педагоглар учун яхши совға бўлди. Республика илмий педагогика кутубхонаси негизда фаолият қўрсатаётган ахборот-ресурс марказининг бу зиё маскани замонавий техник жиҳозлар билан таъминланди. Билимларнинг электрон нусхаларини ўзида жамлаган мазкур кутубхонада электрон почта орқали ахборот алмашиш, маълумотлардан ахборот ва таълим базаларидан фойдаланиш учун ҳам бу ерда қулайликлар муҳайё қилинди. Бу эса видеоахборотлар билан ишлаш имконини беради.

Айни вақтда виртуал кутубхона ўзининг бой видеотекасига ҳам эга бўлди. Ундаги слайдлар, диафильмлар ҳам билимларнинг электрон нусхаларини оммалаштиришга ёрдам беради.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



нор» заводидан гишт, «Енгил металл конструкциялари заводидан олинган енгил металл конструкциялар мажмуада самарали ишлатилмоқда.

Қурилиш ишларида ёрдамчи пудратчилар — «Сантехийғиш» трестига қарашли 3-монтаж бошқармаси, «Баходир Д.М.» ҳамда «Камол» хусусий фирмаларининг ҳам ҳиссалари салмоқли бўлмоқда.

Мазкур даволаш-соғломлаштириш мажмуаси яқинда фойдаланишга топширилади. Қурилиш майдонида олиб борилаётган қизгин юмушлар ана шундан далолат бериб турибди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: малакали электр пайвандчи Минулла Садриев иш

жараёнида; «Туронмарказқурилиш» акционерлик жамиятига қарашли 2-қурилиш бошқармасининг тажрибали прораби Эсон Жабборов ва механик Владимир Вартановлар навбат-

даги иш режасини тузмоқдалар; даволаш-соғломлаштириш мажмуасининг «А» блокнинг кўриниши.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар.



Транспорт**КЕНГ КЎЛАМЛИ
ТЕХНОЛОГИЯ-
ЛАР**

Мамлакатимизда «Ўрта Осиё транс» компанияси фаолият кўрсатиб келаётганига йигирма йилдан ошди. Экспорт-импорт юкларни машиналарда манзилларга тез ва сифатли етказиб бериш билан шуғулланаётган бу компаниянинг халқро алоқаси ҳам кенгайиб бормоқда.

Юкларни транспортлаш ва экспедициялаш жараёнлари энг замонавий усулларда амалга оширилмоқда. Бу эса маҳаллий ва хорижий мижозлар буюртмаларини ўз вақтида эдо этиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда компания Туркия, Эрон, Афғонистон, Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларига юкларни элиб бериш борасида бой тажриба орттирган.

Компания сай-ҳаракати билан қатор янги технологиялар жорий этилди. Бу эса қўшма корхоналар ташкил этиш орқали амалга оширилмоқда. Яқинда «Ўрта Осиё инвест Групп» деб номланган қўшма корхона рўйхатдан ўтди. Бу ўзбек-турк қўшма корхонаси автошиналарни техник мустаҳкамлаш билан шуғулланади. Америка технологияси асосида амалга оширилаётган бу жараён келгусида янада кенгайди.

«Ўрта Осиё инвест Групп» корхонаси қишлоқ хўжалиги автошиналарини реставрация қилиш бўйича қўшимча жиҳозлар ва янги технологияларни етказиб беришни ҳам йўлга қўяди.

**ЙЎЛОВЧИЛАРГА
КУЛАЙЛИК**

Шаҳримиз аҳолисига намунали транспорт хизмати кўрсатиш бўйича қўрилатган тадбирлар ўз ижобий натижасини бермоқда. Фақат кейинги ойлар ичида янги автобус йўналишларидан яна бештаси очилди.

Эндиликда «Машинасозлар» метро бекати билан «Тузель» кўрғони оралигида 6-йўналишдаги автобуслар қатнамоқда. Сергели туманида истиқомат қилувчи аҳолига ҳам кулайликлар муҳайи қилинди. «Сергели-7» мавзесидан бир йўла икки йўналишда автобус қатнови йўлга қўйилди. Улар «Эшонгузар» кўчаси ва «Қаҳрамон» маҳалласига борувчилар учун кулайлик туғдирди.

Трамвай вагонларида транспорт хизмати кўрсатиш ҳам яхшиланмоқда. Чунинчи, биринчи йўналишдаги трамвай қатнови яна йўлга қўйилди: Бу йўналиш «Юсуф Хос Хожиб» марказий бекатида боради.

Шундай қилиб, пойтахт транспортда 200 йўналишда хизмат кўрсатилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Мамлакатимизда таълим тизимидаги туб ислохотлар кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Айниқса педагог-ўқитувчиларнинг касб малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда шаҳримизда «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловини ўтказиш аънаанага айланиб қолган. Ҳар доимгидек бу йил ҳам туман босқичида голиб деб топилган ўқитувчилар кунга кеча Шайхонтохур туманидаги 324-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган «Йил ўқитувчиси — 2004» кўрик-танловининг якуновчи шахар босқичида иштирок этишди.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг методика маркази ташаббуси билан ўтказилган танловда шаҳримиздаги мактаблар директорлари ва ўқитувчилари, туман халқ таълими бўлими мудирилари, методика кабинети мудирилари қатнашди. Кўрик-танловни Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Анвар Зокиров очар экан, барча иштирокчиларга омад тилади. Шундан сўнг танлов иштирокчилари тўрт шарт, яъни — компьютер саводхонлиги, тест, дарс ўтиши, ижодий чиқиш, сахна кўринишида педагогик маҳоратини намоян этиш бўйича ўзаро куч синашдилар. Гоятда мазмунли ва қизиқарли ўтган танловда ўқитувчилар ўз билим ва тажрибалари, касб маҳоратларини намоян этишди. Нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан ҳар бир иштирокчининг чиқши муносиб баҳолаб берилди. Танлов сўнгида ҳаяжонли дақиқалар бошланиб, голиблар аниқланди. Биринчи ўрин 98,8 балл тўплаган Шайхонтохур туманидаги 20-ўрта мактабнинг мусика ўқитувчиси Нодира Йўлдошевага насиб этди. Иккинчи ўринга Бектемир туманидаги 291-мак-

таб ўқитувчиси Эльмира Галиева ва Юнусобод туманидаги 97-мактаб ўқитувчиси Гулчехра Жалилова муносиб деб топил-

Сўнгра бошим осмонга етди. Хурсандчилигини сўз билан таърифлаб беролмайман. Менга билан тизимини юксак ишончдан жуда мамнунман. Бу ишончдан жуда унун бор билим ва тажрибамни, маҳоратимни ишга соламан, деб сўз бераман. Айниқса ўрни келганда шуни мамнуният билан таъкидлаш жоиз, Юртбошимизнинг таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган Фармонлари, шунингдек биз ўқитувчиларга ва ўқувчиларга билдирган эътибор ва ғамхўрликларидан ниҳоятда хурсандимиз. Макссадим келгусида ўз малакамни яна ҳам ошириб, ўқувчиларда мусикага бўлган ҳавасни уйғотишдан иборат. Чунки санъатга ошно қалб эзуликка, яхшиликка интилади.

Ҳа, дарҳақиқат 10 йилдан буён аввал боғчада, сўнг мактабда болаларга мусикадан дарс бериб келаётган Нодира Йўлдошева кўлаб мусикаларни ўзи яратиб фортепианода ижро этиб келмоқда. У болаларга бежиз меҳр кўймаган экан. Нодира севимли болалар шоири Қуддус Муҳаммадийнинг набираларидан. У 2002 йилдан буён 20-мактаб қошида «Шодиёна» гуруҳини ташкил этиб, унга раҳбарлик қилиб келмоқда. Бобосининг шеърларига мусика басталаб гуруҳ аъзоларига янги-янги кўшиқлар яратмоқда.

«Интиланга толе ёр» дейди доно халқимиз. Нодира Йўлдошеванинг ҳам қалбига эзуликка интилиши, келажак авлод таълим-тарбиясига катта масъулият билан ёндошиб, ўз касбини эъзозлаб келаётганлигини эътироф этиш керак, албатта. Бу йўлда голиб ўқитувчига биз ҳам ижодий парвозлар тилаймиз.

Дилором ИКРОВА
СУРАТДА: «Йил ўқитувчиси-2004» кўрик-танловининг шахар босқичи голиби Нодира Йўлдошева.

Йил ўқитувчиси — 2004**ТАНЛОВ ГОЛИБИ
АНИҚЛАНДИ**

Дунёда турли касблар мавжуд. Улар орасида энг эъзозлиси, шарафлиси бу — ўқитувчилик, мураббийлик касби десак адашмаймиз. Зеро, инсоним бўлишидан қатъий назар ёшлигида ҳарф танитиб, ўқиб, ёзишни ўргатган, таълим-тарбия берган устозини ҳеч қачон ёдидан чиқармайди, албатта.



дилар. Учинчи ўрин эса Собир Рахимов туманидаги 249-мактаб ўқитувчиси Назокат Усмоновага насиб этди. Голиблар шахар Халқ таълими бош бошқармасининг Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Танловда иштирок этаётганимдан ниҳоятда хурсанд бўлдим. Голибликка сира интилмаганман, — дейди ҳаяжон билан танлов голиби Нодира Йўлдошева. — Голибларни эълон қилишганида номимни эшитиб аввалига ишонмадим.

Тадбирлар**БОРЛИҒИМСАН,
БОЛАЖОН**

Халқро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан шаҳримизнинг турли гушаларида тадбирлар, концертлар ва ҳар хил болалар мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

Кунга кеча Чилонзор туманидаги «Олмазор» маҳалласида Меҳр ва муруват йили ҳамда Халқро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан «Ҳаётимиз борлиғисан, болажон» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни туман ҳокимлиги «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши, «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими ҳамкорликда ўтказдилар. Кечани туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова қириш сўзи билан очар экан, болалар ўлжамининг нурли ёлқинлари эканликларини, уларсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмаслигини таъкидлаш баробарида кам таъминланган оилалар фарзандларига, етим ва ногирон болаларга қўлдан келганча ёрдам бериш, муруват кўрсатиш, бошини силаб, кўнглини олиш инсоний

бурчимиз эканлигини айтиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар «Оила» маркази раҳбари Гулнара Йўлчиева «Саховат, меҳр-оқибат — инсоний муруватнинг ҳаётини ифодасидир», Ўзбекистон юрист аёллар жамоат ташкилоти ижрочи директори Жамила Шермухаммедова «Болалар ҳуқуқлари Конвенцияси ва унинг Чилонзор туманида амалиётга таъбиқ этилиши масалалари» мавзусида сўзга чиқдилар.

Туман маданият бўлими санъаткорлари ижросида янграган куй ва кўшиқлар дилрабо рақслар барчанинг кўнглини хушнуд қилди.

Кеча сўнгида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими Кенгаши раиси Феруз Каримов кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оила фарзандларининг 60 нафарига турли хил совғалар топширди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Фарзандларимизнинг маънавий етук бўлиб вояга етишлари — эртанимиз, келажакимизнинг ишончли қўлларда бўлиши демокдир. Шу боис ҳам мамлакатимизда ёшлар тарбиясига жиддий эътибор берилмоқда.

ЁШЛАР ВА БИЗ

Кунга кеча Бектемир туман марказий кутубхонасида «Ёшлар ва биз» мавзусида маънавий-маърифий давра суҳбати бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги, туман маданият бўлими, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган ушбу тадбирда 289-мактаб ўқитувчилари, марказий кутубхона ходимлари ва «Бектемир» маҳалласи фаоллари иштирок этишди.

Шуниси эътиборлики, тадбир қатнашчилари ёшларимизга дунёнинг шарофати туфайли дунё эшикларини очилганлигини, эндиликда фарзандларимиз нафақат мамлакатимиз таълим масканларида, балки хорижнинг исталган давлати олий ўқув юрларида билим олиш имконига эга бўлганликларини эътироф этган ҳолда, айрим ёшлар ота-она, Ватан олдидаги ўз масъулиятларини унутиб қўяётганликларини танқид остига олишди. «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими раҳбари Носир Раҳматуллаев бу борада фикр юритар экан, ёшларда мулоқот маданиятини шакллантириш зарурлигини таъкидлади.

Халқимиз ўзининг бой тарихига эга. Ота-боболаримиз қолдирган миллий, маданий мерос мудоом тарбия ўчоғи бўлиб хизмат қилган. Ана шу ҳазинадан беҳабар бўлиш эса маънавий кўр бўлиш билан баробар. Туман маданият бўлими мудири Буниса Исмоилова ўз сўзида ки-

тобнинг, ота-боболаримиз меросининг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини яна бир қарра таъкидлаб «китоб билан доимо ошно бўлган бола одобли бўлади, ота-онани беҳурмат қилиш у ёқда турсин, балки бу фарзанд жамиятга керакли шахс бўлиб вояга етади», деди.

Туман марказий кутубхонасининг катта кутубхоначиси Тожинос Имомсанова тадбир қатнашчилари эътиборини муҳим жиҳатга қаратди. Унинг таъкидлашича, албатта ҳар бир отанинг орзуси фарзандларини моддий-маънавий жиҳатдан тўлиқ таъминлаб уларнинг файзу камолини кўришидир. Аммо, болага тўғри тарбия бермоқ, уни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этмоқ, спорт билан шуғулланишига имкон яратмоқ, маҳалла ҳамда мактаб билан ҳамкорликни йўлга қўймоқ муҳим омил бўлмас экан бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча.

Қизиқарли ва мудоҳазаларга бой кечган давра суҳбати якунида мактаб ўқувчиларининг саволларига тадбир қатнашчилари томонидан жавоблар қайтарилди.

Муҳими, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан ҳар бир маҳаллада, зиё масканида бу каби фойдали мудоқотларни тез-тез уюштиришга келишиб олинди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Сарҳадларимиз тинчлиги, мамлакат осойишталиги мард ўғлонларимизнинг Ватан ҳимоясини муқаддас билиб ўз постларида сергак турганидир. Ҳар йили баҳорги ва кўзги қақирув пайтида Ватан ҳимоячилари сафлари чаққон ва жасур йигитлар билан тўлади. Мана бу йил ҳам шундай бўлди: Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунига асосан апрель-май ойларида мuddатли ҳарбий хизматга сараланган, мард йигитлар йўл олдилар. Айтиш ўрни жозика, бугунги кунда мuddатли ҳарбий хизматга ҳар томонлама соғлом ва етук, юрагида ўти бор йигитлар танилаб олиняпти. Йигитлар учун ҳам бу таниловдан ўтишининг ўзи бўлмаяпти. Хизматга боришда фақат тўрт мучаси соғлигининг ўзи кифоя эмас, ёшликдан спорт билан шуғуллангани, замонавий билимларни эгаллагани ҳам муҳим аҳамият касб этиляпти. Баҳорги қақириқ қандай яқунлади? Натижалар қандай? Бизнинг Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, подполковник Бахтиёр МАҲМУДОВ билан суҳбатимиз шу хусусда кечди.

— Маълумки, бу йилги Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикасини Куролли Кучларига навбатдаги қақирув тўғрисида»ги қарори ўзига ҳосилги билан олдинги қарорлардан фарқлади. Суҳбатимиз аввалида шунини изоҳлаб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорида қақириққа тааллуқли бўлган вазирликлар, қўмита ва жамоат ташкилотларига аниқ вазифалар белгилаб қўйилган. Биринчидан, илк марта Куролли Кучларда мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитларни давлат муассасалари, корхона ва ташкилотларга қонун ҳужжатларида белгиланган

тартибда ишга жойлаштириш чоратдбирлари кўрсатилган. Иккинчидан, мuddатли ҳарбий хизмат домида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича энг юқори натижаларга эришиб қисм қўмондонлигининг тавсияномаларини олган аскар-йигитлар учун, олий ўқув юрталарига киришда тест топшираётганда энг юқори тўпландиган баллнинг 20 фоизи миқдорда қўшимча баллар тарзида қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ҳисобга олиниши айтилган. Эътиборга молик яна бир жиҳати — мuddатли ҳарбий хизматга қақирилаган йигитларни тантанали кузатиш, уларга талаб даражасида моддий, маънавий шарт-шароитлар яратиш билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларига мuddатли хизматни ўтаб қайтаётган йигитларни муносиб кутиб олиш вазифаси қўйилди. Бир сўз билан айтганда Қарорнинг маъно-мақсади ҳарбий хизмат нуфузини янада оширишга қаратилгандир.

— Янги таҳрирда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун ижроси йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақида, хизматнинг янги тури — сафарбарлик қақируви резерви тизи-

ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ
МАРД ЙИГИТЛАР
САРАЛАНДИ

ни хусусида ҳам маълумот берсангиз. — Айтиш мумкинки, Куролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси замирида замон талаб қиладиган тамойилларга асосланган батамом янги тизим жорий этилмоқда. Унинг мустақкам қонунчилик асослари ҳам яратилди. Шундан келиб чиққан ҳолда Миллий армиямиз сафларида нафақат жисмонан, бақувват, балки энг замонавий ҳарбий техника ва технологиялар-

нинг сир-асорини пухта эгаллаган, ақл-заковатли, мустақкам иродали, Ватанини юракдан севадиган йигитлар хизмат қилмоғи лозим. Қонуннинг яна бир асосий вазифаси — сафарбарлик қақируви резервидаги (СЧР) хизматнинг тизими ҳам тўла яратилди. Бугунги кунда сафарбарлик қақируви резервидаги фуқаролар оидига йигитларни ўташ-

моқ — Қақирувнинг сифатли ўти да йигит пунктларида яратилган шарт-шароитлар ҳам катта аҳамиятга эга. Шундай эмасми?

— Албатта. Мен шунини ишонч билан айта оламаники, бугунги кунда шаҳар ва туман мудофаа бўлимлари йигит пунктларида қақирилувчиларни тиббий ва тест синовларидан ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Олий тоифали шифокорлар, энг замонавий тиббий асбоб-анжомлар, малакали ходимлар уларни тўлиқ, ҳар томонлама текширувдан ўтказ оладилар. Чунончи, Бектемир туманида янги қақи-

рув пункти ишга туширилган бўлса, Миробод ва Юнусобод туман қақирув пунктлари тўла таъмирдан чиқарилди. Барча лаборатория текширувларининг қақирув пунктининг ўзида ўтказилиши анчагина сарсонгарчиликка барҳам берди. Уйлайманки, йигит пунктларида қақирувнинг сифатли ўтиши учун барча шароитлар яратилган.

— Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қай даражада йўлга қўйилган?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги қарорига мувофиқ, қақирув комиссияси устидан жамоатчилик назорати ўрнатилган. Бу эса «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби қатор жамоат ташкилотлар билан яқин ҳамкорликнинг янада мустақкамлашига асос бўлди. Улар билан Ватан ҳимоячиларини кутиб олиш, кузатиш каби қатор режалар тузилган. Мана, баҳорги қақириқни ҳам муваффақиятли яқунлади. Миллий армиямиз сафларига соғлиғи, оилавий шароити, интеллектуал даражаси, ақдан устунлиги юқори

бўлган йигитлар жўнатилди. Фурсатдан фойдаланиб айтишим лозимки, фарзанди армия ёшига етган ота-оналар агар тиббий кўрик ёки тест натижаларидан қўнғиллари тўлмаса қақирув комиссиясига, шаҳар Мудофаа ишлари бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин. Ихчам, давр талабларига мос, юксак малакали Куролли Кучларни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган барча хайрли ишлар юртимиз равнақи, осойишта ҳаётимиз кафолати йўлидадир. Шундай экан ҳамкорликка иш олиб бориш, эртанинг ишончи бўлган фарзандларни ёшайдан ватанпарвар, илмли қилиб тарбияламоқ керак. Ўрта мактабларда умумий ҳарбий таълим дарсларини пухтароқ йўлга қўймоқ керакки, йигитлар илк сабоқни мактабдан олиб, Ватанга хизматнинг нақадар масъулиятли ва шарафли эканлигини тушуниб мудофаа бўлимларига фахр билан кириб келинлар.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Шоира МУҲАМЕДОВА
суҳбатлашди


Мана, «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг саккинчи домини ҳам ортда қолди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида мусобақанинг якуний босқичи ўтказилиб, унда голиб ва совриндорлар аниқланди.

Шунқорлар
МУНОСИБ ШОГИРДЛАР
ЕТИШМОҚДА

Менимча, мазкур мусобақанинг аҳамияти борасида узундан-узок тўхталишга ҳожат йўқ. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ҳарбий соҳага ҳавасни шакллантириш, қақириққа тайёргарлик фанини янада такомиллаштириш каби мақсад йўлида бир қатор давлат, жамоат ташкилотларининг бу ҳамкорлиги алоқачон ўз мевасини берган. «Шунқорлар»да иштирок этиб, шакланган йигитлар бугун Куролли Кучларимиз сафларида хизмат қилмоқда. Жорий йилда ҳам Мудофаа вазирлиги, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Бошлар спортини ривожлантириш, «Нуроний» жамғармалари, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти мазкур мусоба-

қага бош-қош бўлиб, унинг юкниса савияда ўтишини таъминлади. Таъкидлаш жоизки, йилдан-йилга «Шунқорлар» тақомиллашиб бораёпти. Ҳозирда бу ҳарбий-спорт ўйинлари ўзининг мадҳияси, рамзига эга. Ҳатто 2003 йилдан мусобақанинг олтин, кумуш, бронза медаллари таъсис этилди.

Яқинда бўлиб ўтган мусобақага қайтадиган бўлсак, унда Жиззах вилояти жамоаси биринчи, Тошкент вилояти жамоаси иккинчи ва пойтахтлик шунқорларнинг учинчи ўринга муносиб деб топилганини айтиб ўтиш лозим. Шу ўринда бронза медалига сазовор бўлган Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 259-умумтаълим мактаби жамоаси ҳақида бироз тўхтайсак. Албатта бундай ютуққа эришишда қақириққа тайёргарлик фани ўқитувчиси Маъмурад Ирмавов




нинг ҳиссаси катта. Ахир у захирадаги подполковник — ҳарбий соҳа сир-асорларини мукамал билди ва шогирдларга ўргата олади. — Жамоанинг иштирокидан қониқиб ҳосил қилдим. Айниқса, жамоа сардори Азизбек Султоновнинг жанговар қуролдан нишонга бехато отиши, автоматни қисмларга ажратиши ва йиғиши, Андрей Скворцовнинг 33 бора турникда тортилиши каби ютуқларимиз эътироф этилди, — дейди Маъмурад Ирмавов.

Ишонимизки, ана шундай устози бор жамоа ҳали ютуқларининг янги-янги довопларини забт этажак.

Аҳмадҷон САФОВ
СУРАТЛАРДА: жамоа сардори **А.Султонов** автоматдан нишонга отмоқда; **А.Скворцов** устози **М.Ирмавов** билан навбатдаги машқни бажариш жараёнида.

Александр Мручак олган суратлар.

ВАТАНПАРВАР



БУГУНИНГ СЕРЖАНТИ — ЭРТАНИНГ ПРОФЕССИОНАЛИ

Кунини кеча Тошкент ҳарбий округи сержантлари тайёрлаш мактабида курсантларнинг навбатдаги битирув тантанаси катта байрам сифатида нишонланди. Тадбирда ҳарбийлар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Битирувчиларга диплом ва кичик сержант унвонлари берилди ва «Олган билим ва кўникмаларингизни намоён этиб, профессионал-лашув сари шаклланаётган армиямиз нуфузининг янада ортишига ушунча юш қўшиб, ислохотлар талабларини оғишай бажаришигизга ишонимиз», деган хайрли ниятлар билдирилди.

СУРАТЛАРДА: аълочи кичик сержант **Алижон Абилов**; Тошкент ҳарбий округи кўшинлари қўмондони генерал-майор **Баҳодир Тожматов** битирувчиларга диплом топширмоқда.

Сохибжонни ёшлигидан мард, жасур, кўрқмас қилиб тарбияладим. У бугун қасамд қабул қилди. Уйлайманки, ўғлим ҳеч қачон ўз қасамдини бузмайди. Ватани, халқи олдида ўз бурчини виждондан омад этади.

— Бугун ҳамма сарфдош дўстларимнинг кўзларига қувонч, — дейди Сурхондарё вилоятининг Узун туманидан ҳарбий хизматга қақирилган оддий аскар Ойбек Бойтўраев. — Биз ҳеч қачон қасамдимишни бузмаймиз. Она тупроғимизни гараз ниятли галамислардан ҳимоя қиламиз. Бу йўлда керак бўлса жонимизни ҳам аямаймиз.

Дарҳақиқат, Ватан ҳимояси ишончли қўлларда. Унинг эртаси, порлоқ келажигини дахлисиз сақлашда ҳарбий қасамд қабул қилган барча аскар укаларимизга омад тилаб қоламиз.

Хумоюн АЛИЕВ

Халқимизнинг дилрабо кўшиқларининг бирида: «Мардлар кўриқлайди, Ватанини» деган ниҳоятда ибратомуз сатр бор. Дарҳақиқат, Ватан сарҳадларини кўз қорачиқдай асраш, авайлаш ҳар бир фуқаронинг Конституциявий бурчи саналади.

БУРЧИГА СОДИҚ ЎҒЛОНЛАР!

Кунини кеча Чирчиқ ҳарбий округи аскарларининг ҳарбий қасамдини қабул қилиш маросимида ҳам бу жиҳатда алоҳида эътибор қаратилди. Ҳарбий қасамд қабул қилаётган ҳар бир ёш аскарнинг қалби, шуғри, кечинмалари Ватанимиз дахлсизлигини ҳимоя қилиш, унинг тинчлиғи, осмонимиз мусофиларини таъминлаш каби улғувор ният билан йўғрилгани кўзга ташланди.

бий хизмат тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ёш аскарларимиз бир йиллик ҳарбий хизматга қақирилган, — дейди Тошкент ҳарбий округи қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Алишер Расулмухамедов. — Энг муҳими, биз уларни ҳарбий хизматга олаётганимизда аскарнинг жисмоний имкониятларига, интеллектуал даражасига, замонавий билимларини қанчалик ўзлаштирганига эътибор қаратдик.

Кези келганда шунини ҳам айтиш керакки, мустақкам йилларда профессионал армияни шакллантириш борасида анчагина ютуқларни қўлга киритдик. Бу ўринда армиямизнинг шони, шавкати, аскарларимизнинг ҳар томонлама етук бўлиши учун олиб борилаётган — кенг режага асосланган сайё-ҳаракатларини эътироф этиш зарур.

Айниқса бу борада Чирчиқ ҳарбий округидаги яратилган шароитлар, аскарларнинг ҳарбий хизматни чин дилдан ўташга бўлган қизиқишларини орттириш йўлидаги интилишлар алоҳида таҳсинга сазовор. Аскарнинг кундалик ҳаётини сермазмун ташкил этиш учун турли соҳаларга доир машғулотлар, тўғрақарар мунтазам равишда фаолият олиб боради. Биз аскарлар истиқомат қиладиган казармалар билан

яқиндан танишганимизда яратилган шарт-шароитлар замон талабларига тўла мос келишига ишонч ҳосил қилдик.

...Кенг майдон. Саф торган ҳар бир аскар бугун Ватани, халқи, Президенти олдида қасамд қабул қиладди. Қувонч кўз ёшлари... Билатда кучи, юрагида ўти ёлқинлаиб турган йигитларни кўриб ҳарбий тизимимиз сафлари кундан-кунга мукамаллашиб бораётганини сезиш қийин эмас.

Биз ўз фарзандларининг аскарлик ҳаёти билан танишиши учун таширф буорган бир гуруҳ ота-оналар билан ҳам суҳбатлашдик.

— Фарзандимнинг ҳарбий қасамдини қабул қилиш чоғида қувончини кўриб ўзим ҳам севишиб кетдим, — дейди Марғилон шаҳридан таширф буорган Олдуз Каримова. — Ўғлим

ҲАРБИЙЛИКНИ
ШАРАФ ДЕБ
БИЛИШАДИ

Майор Тоҳиржон Азимов ёш аскарлар йигитинида етакчилик қилмоқда. Ахир, тўпоричасига айтганда кўча чағитиб юрган йигитларни аскарликка, илк ҳарбий сабоқларга ўргатишининг ўзи бўладими? Катъий тартиб, интизомга ўрганмаган ёки бўлмаса буйруқларини сўзсиз адо этишга кўникмаган йигитларни низоом талаблари бўйича тайёрлаш, тарбиялаш осон иш эмас. Ҳўй, бунинг учун йигит давомида нималарга эътибор қаратиш зарур?

— Аввало йигит маъмуриятга тайинланган ҳар бир ҳарбий хизматчи ўз вазифаси бўйича йўл-йўриқлар олган. Қолаверса, йигитга энг таърибали ҳарбийлар жалб қилинган. Тарбиявий ишлар бўйича ўринбосар капитан Нурилло Азимов, взвод командири капитан Ойбек Абдусатторов, бўлими командирлари кичик сержантлар Отабек Аҳмадҷонов, Ҳаётбек Сатторовлар шулар жумласидан. Йигит давомида ёш аскарларни ҳарбий ҳаётга кўниктириш, умумҳарбий низоомларни ўргатиш, Куролли Кучлар тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздан сабоқлар бериш учун турли тадбирлар режалаштирганмиз. «Камолот» ЕИХ, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази каби ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни кўзда тутганмиз. Клубда кино кўйиб беришни, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштиришни мўлжаллаётимиз. Тўғри, режа бўйича қандай машғулотлар ўтиш ва уларнинг соатлар тасдиқланган. Фақат назарий машғулотларни ўтиб, йигитларни эриктирмаслик учун юқорида айтилган қўшимча тадбирлар ҳам бўлади. Таъкидлаш жоизки, ёш аскарларнинг билими, дунёқараш кенг. Айниқса спортга қизиқишлари юксак. Ҳозирданок ёш аскар-спортчиларимизга билим юрти жисмоний тарбия кафедраси мутахассисларининг эътибори тушган. Масалан, ана шундай аскарлардан миллий кураш бўйича спорт усталигига номзод Йўлчи Худойқулов, тошкентлик аскар Хусниддин Ортиқовларни тилга олиб ўтиш мумкин. Очили, ёш аскарлар билан ишлаб, ислохотлар самарасини янада тереан ҳис қилаймиз. Бари эли, юрти учун ёниб хизмат қилишга шай. Фақат улардаги шижоат, ғайрат, қатъиятни тўғри йўналтири олсангиз бас, — дейди майор Тоҳиржон Азимов.

Сафга қўшилиганига ҳали кўп бўлмаган бу ўғлонларнинг тайёргарликларини кузатишда. Аниқроғи, сайёргарликларини — сафдан чиқиб, сафга қайтиш, шаҳдам қадам ташлаш, саф қўшиғини айтиб ўтиш қабиларини, Иштиёқ, интилиш бўлсин экан-да. Ахир, бу машқларни улар рисоладагидек бажаришган экан-да. Ана шунақа, қалб амри, қалб даъвати билан Ватан ҳимоясига олган ҳар томонлама баркамол бу ўғлонлар ҳарбийлиқни шараф деб билишади.

Олимжон СОДИКОВ

Мотамсаро она ҳайкали пойига алвон-алвон гуллар қўйилди: «Сен доимо қалбимдасан, жигарим», дея мунг, ҳасрат тўла кўзларини ерга тикканча ўтирган онаизорнинг кўнгли нурга тўлди, гўё. Бунга Хотира ва Қадрлаш кунини йўқлаб юртдошларининг келгани, зейрат қилишгани, аскар набираларининг бу майдонда Ҳарбий қасамд қабул қилишгани сабаб. «Сизлар менинг бағримни нурга тўлдирдингиз. Бир фарзандим юз, минг-минг бўлиб қайтгандек бўлди», деди гўё Мотамсаро она посбонларга қарата. «Ғам чекманг экан, биздек набираларингиз, чевараларингиз бор экан, энди қалбимизни мунг, аллам кемирмайди. Тинчликимиз, осойишталигимизни бузмақчи бўлганларга муносиб жавоб бера оламиз», дейиши гўё қасамд қабул қилаётган ўғлонлар.

ҲАРБИЙ ҚАСАМД ТАЙИНАСИ
ДИЛЛАРДАДИР
САДОҚАТ ОНТИ

Ниҳоят, садоқатдан онт ичган Тошкент ҳарбий округидаги ўғлонларни табриклаш тантанаси бошланди. Даставвал қисм командири аскарларни шундай қўтул қўнда қасамд қабул қилишгани билан қўтлаб, уларни ўтган аждоқлар хотирасини доимо дилда сақлаш, улар айналарини давом эттиришга даъват этди. Сўнгра юқори штаб вакили, полковник Шавкат Жумаоҳунов, аскарлар оналари номидан Лилия Сумоляновларнинг дил сўзлари, насихатлари посбонларни тўлқинлантириб юборди. Аскар босиб Чори Тўраев, иккинчи жаҳон уруши фахрийси Марина Аблаеваларнинг набираларига — юрт ўғлонларига қарата айтган сўзлари, давватлари жавобсиз қолмагай. Қасамд қабул қилганлар номидан оддий аскарлар — Ойбек Ҳамроқулов, Илҳом Хурсандовлар сўз олишганда, буни таъкидлаб ўтишди.

Мана, энди ҳаяжонли дамларни кузатсак ҳам бўлади. Тахминан 5-6 ёшлардаги болақай қўлида гул билан аскар акаси қучоғига отилмоқда. Она ҳарбий либос ярашган ўғлига қайта-қайта термулиб, кўзларига ишонмай бағрига босмоқда. Ота бўйи-бўйига тенглашган ўғлини даст кўтариб, дийдорлашмоқда, қўтул қун билан табрикламоқда. «Ёшим 73 да. Сурхондарёнинг Деновидан атайлаб набирам Шарофидинни бу тантанали кун билан қўтлашга Тошкентга келдим, ўғлим. Юрти учун, халқи учун ҳалол хизмат қилиб, юзимизни ёруғ қилса бас», — дейди Чори бобо Тўраев.

— Боламнинг қасамд қабул қилиш тантанасини эшитдим қанот чиқариб учдим, гўё. Мана, қаранг, ҳарбий либос ярашган, келбатли бу ўғлон менинг фарзандим. Армияда хизмат қиламан, дея шаҳд билан отилиб чиқди. Мана шу шижоати сўнмасин, — дейди оддий аскар Санжар Ҳасановнинг онаси Матлуба ая.

— Кенжа фарзандининг ўрни бўлакча-да. Фарзандларнинг деярли барини уйли-жойли қилдим. Аммо, кенжамга барибир меҳрим бошқача. Ҳаётда қоқилмасин, ўз ўрнини топсин, дейман. Мана, армиягача мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳайдовчилар тайёрлаш мактабиде ўқиди, ҳунарли бўлди. Энди йигитлик мактаби синовларидан ўтсин. Ватанига, яқинларига янада муҳаббатли бўлсин, дейман, — дейди оддий аскар Шерзод Раҳмоновнинг отаси Амр ака.

Тантанадан сўнг аскарнинг ота-оналари, яқинлари уларнинг шарт-шароитлари билан танишишди. Бу борада бир-бирига таассуротлари, фикрларини айтётган аскар ота-оналари орасида яна Чори бобо эътиборини тортиди. «Болам, шунча эътибор, шунчалик шароитларга муносиб бўл. Шароитлар уйдагидан-да зўр. Бу давлатимизнинг сендай ҳимоячиларига, ҳурмати, ишончи», десётганди у набирасига.

Капитан Алижон САФАРОВ

Ўзбекистон ва жаҳон

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАҚИҚАТ ДОМО БУЛАВ...

• Нодон дўстан кўра ёлғизлик яхши. У дўст бўла туриб шундай кунларни бошингга соладики, кейин душман чангалидан қочиб қутула олмайсан.

• Сўраб еуриштирмай ҳар қандай одам билан дўстлашган кишининг ўзи нодон.

• Заиф, кўрқок, алдамчи дўстан душман афзал.

• Сукрот ҳақим айтди:
— Дўстинга йўлиққан вақтингда кулиб, очик юз билан кўриш. Яхши сўз билан унинг кўнглини кўтар. Дўстлиқнинг бошланиши мадҳ-сано биландир.

• Араб фозилларидан Асмаий айтди:

— Мен бир кун дўстимни кўргани бордим. У бир киши сифатли палосни солиб ўтирган экан. Мени ҳам палосга ўтиришга таклиф этди. Шунда мен:

— Палос ўзинга торлик қилиб турибди, яна мени палосда ўтиришга таклиф этасан, — деган эрдим, у айтди:

— Икки душман бутун бир ер юзига симағиди, аммо икки дўст бир қарич ерга ҳам сима олади.

КИССА. Туя билан тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдард бўлишга аҳду паймон қилишибди. Бир кун тулки ўзича ов қилиб юрган экан, оч шерга дуч келиб қолибди. Шер унга ташланмоқчи бўлиб турганида тулки унга ёлворибди:

— Эй хайвонлар бобоси, шафқат қилинг, мен сизга яқин орада юрган азиз дўстим туяни кўрсатаман. У басавлат, сергўшт, мен эса бир кичик озгин нотавон махлукман.

Шер дебди:

— Аввал сени даф қиламан, кейин дўстингни тутиб ейман.

Шер ташланиб тулкини бурдалаб ебди, сўнг туяни топиб уни ҳам ҳалок этибди.

КИССА: Дўст танлашда шовилмаслик керак. Аввал уни синаб, сўнг эътимод этмоқ даркор. Узингиз ҳам дўстлик иплари билан бевафлик, гаддорлик болтаси билан узманг, илло сизнинг бошингизга ҳам ҳийлагар тулкининг кунни тушмасин.

Байт:
Икки дўстлиқни хор айлабди, уни —

Қисмат жазолагай — чиқиб тутуни.

• Камолотга илмсиз етишиб бўлмайди ва бундай киши улғуликдан узокдир.

• Худбинлик ҳар бир гуноҳдан кўра оғирроқдир. Худбин киши ҳеч қачон улғулик даражасига етолмайди. Ойни қара — жамолини кўрсатар, икки ҳафта худбинлик қилгани учун чоғга қулаб кўринмай кетади.

Байт:
Илм қидирсанг улғу бўларсанг,
Хаёт фаровон, нурга тўларсанг.

ҲИҚМАТ: Сен то қуватинг бор экан, доимо ростлик ва тўғрилиқ йўлини тут. Шунда сен саодат чаманидан муздао гулини терасан. Ҳўни қара, тўғри бўлгани учун юзи доим гулгун ва қил-қизил. Камон эгри бўлгани учун ип билан боғланиб, банди қилинган.

Москвада ўн биринчи марта иқтидорли рус ёзувчиси М.А.Шолохов номидаги халқаро мукофотни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тулепберген Қаипбергенов «Письма на тот свет. Дедушке» («У дунёга, бобомга хатлар») номли қиссаси учун ушбу нуфузли мукофотнинг совриндори бўлди.

МУКОФОТ ТАНТАНАЛИ ТОПШИРИЛДИ

Эслашиб ўтамыз, мазкур мукофот совриндорлари орасида Расул Ҳамзатов, Валентин Пикуль, Арсений Ларионов, Анатолий Иванов, Борис Олейник, Сергей Михалков каби таниқли адиблар бор.

Т.Қаипбергенов китоби Нукус ва Тошкентда нашрдан чиққандан сўнг, 2004 йил Москвадаги «Мир» нашриётида ҳам чоп этилди. Шуниси эътиборга

молик-ки, мазкур асарнинг тақдимоти шу йил март ойда Москвада «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг тантанали очилиш маросими доирасида ўтказилган эди.

Таниқли рус ёзувчиси Ю.Бондарев Т.Қаипбергеновга Шолохов номидаги халқаро мукофот совриндори медалини топширар экан, бундай қарорга келишда қорақалпоқ ёзувчисининг ижод

йўли, жумладан, у томонидан амалга оширилган М.Шолохов асарлари таржималари ҳам инobatга олинганини қайд этди. Т.Қаипбергенов сўнги асариде ўзининг ички кечинмалари орқали Орол фожеаси ва изтироблари, ўтган аср 60-80 йилларида ўйланмай юритилган экологик сиёсат оқибатларини бугун бошидан кечираётган халқнинг азобини ёритишга муваффақ бўлган.

Т.Қаипбергенов миннатдорлик изхор этиб, М.Шолохов асарлари ўз вақтида у учун ўзига хос дорилфунун бўлганини таъкидлади. Қорақалпоқ мумтоз ёзувчиси ўз чиқишини Шолоховнинг куйидаги сўзлари билан ачулади:

— Мен китобларим одамларга анадаяхшироқ бўлишда, соф кўнглили бўлишда ёрдам беришини ва инсонга муҳаббат уйғотишини истардим.

Пекиндаги «Цзиньжи» тасвирий санъат музейида бир ҳафта давомида «Ўзбекистон мероси» фото-кўргазмаси намойиш этилди.

Пекинда фотокўргазма

Хитой жамоатчилиги вакилларининг таъкидлашича, ХХР раиси Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистонга давлат ташрифи арафасидаги ушбу воқеа икки мамлакат ўртасида эришилган юксак даражали дўстлик муносабатларининг ўзига хос ифода-си бўлди.

Хитой фотографлар ассоциацияси вице-президенти Юй Цзяннинг сўзларига қараганда, кўргазма нафақат ўзбек фотосталари маҳоратини намойиш қилди, балки Ўзбекистон миллий маданияти, маънавий дунёси ва ижтимоий ҳаётига дахлдор бўлишга ҳам имкон берди. Ушбу асарлар воситасида

республика кўча тарихи, осор-атиқалари, бетакрор манзаралари ва оддий кишилар ҳаётини кўриш мумкин бўлди.

Кўргазмада иштирок этган Ўзбекистон Бадий академияси делегацияси аъзолари Хитой Санъат академияси, Фотографлар ассоциацияси ва Рассомлар ассоциацияси, санъат илмий-тадқиқот институти раҳбарияти, санъат соҳасидаги газета ва журналлар вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Самимий руҳда кенган мазкур мулоқотлар чоғида ҳамкорлик ва ўзаро тажриба алмашиш истиқболлари хусусида фикр юритилди.

САМАРҚАНД СОПОЛИ ГОЛЛАНДИЯДА

Нидерландиянинг қадимий кулолчилик маркази бўлган Гауда шаҳрида сопол буюмлари халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатни усталари яратган 120 та ижод намуналари намойиш этилди.

1976 йилдан буён аънавий равишда ўтказилиб келинаётган мазкур халқаро фестивалда иштирок этиш танлов асосида ташкил қилинган. Дастлабки босқичда танлов ҳайъати турли мамлакатлар кулолчи усталарининг ижод намуналарини баҳолагач, қолибларга махсус таклифномалар юборди. Мана шундай шараф саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган таниқли самарқандлик кулолчи уста Худойберди Ҳақбердиевга насиб этди. Айтиш жоизки, ҳамюртимиз Гауда фестивалида иштирок этган Марказий Осиёнинг ягона ва-

кили бўлди.

Ҳақбердиев ижодига мансуб қариялар, мусикачилар ва туялар шаклидаги ҳайкалчалар ҳамда сопол идишлар нафислиги ва жилюси билан кўплаб томошабинлар эътиборини жалб этди.

Фестиваль ташкилий кўмитасининг доимий аъзоси Валтер ван Леувеннинг эътирофига кўра, европалик мутахассислар ва мухлислар Ўзбекистон кулолчининг маҳоратига юксак баҳо беришди ва устанинг ижод намуналари орқали ўзбек халқининг бой маданияти ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишди.

Бутунжаҳон атроф - муҳит кунини ўттиз йилдан буён нишонланиб келинмоқда. Бу йил мазкур сана БМТнинг Атроф-муҳит дастурийн хабарига кўра, Маданиятлар умумий форуми ўтаётган вақтда нишонланади. Ушбу санага бағишлаб жамғарма 1 июндан 10 июнга қадар "Санитария, гигиена ва экологик маданият" декадасини ўтказишни режалаштирмоқда. Декадага кўра, шу кунлари мамлакатимизда бир қатор атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланишга йўналтирилган тадбирлар, анжуманлар, давра суҳбатлари, экофестиваллар ўтказилади.

Ю. Шодиметовнинг таъкидлашича, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, экологик "нобоп" ишлаб чиқаришининг ривожланиши натижасида инсоният ер ва сув захираларининг камайиши, озон қатламнинг емирилиши, иқлим ўзгаришлари, биологик хилма-хилликнинг камайиб бориши каби техноген характерли муаммоларга дуч келди. БМТ маълумотига кўра, юқори даромадли мамлакатлардаги 15 фоиз аҳолига жаҳон истеъмол кўрсаткичининг 50 фоизи тўғри ке-

лади. Даромади кам бўлган мамлакатлардаги камбағал 40 фоиз аҳолига эса жаҳон истеъмол кўрсаткичининг атиги 11 фоизи тўғри келади. Ҳозирги кундаги истеъмол қилиш-ишлаб чиқариш кўрсаткичлари сайёраимизнинг экологик имко-

киши сув етишмаслиги жиддий тус олган минтакаларда яшапти. 2050 йилга бориб бу кўрсаткич 2 миллиардга етиши мумкин.

Марказий Осиё минтақаси хусусан, Ўзбекистон нозик экосистемаларга антропоген таъсирнинг кенг қамровли салбий оқибатлари билан тўқнаш келмоқда. Энг оғирлиқ нукта эса Орол денгизининг экологик инқирозидир.

Шу билан бирга Ўзбекистон сув ресурсларидан фойдаланиш эҳтиёжлари кундан-кунга ошиб бормоқда, тупроқнинг эрозияси ва деградацияси кузатиламоқда. Экин майдонларининг ортиб бориши мавжуд экологик тизимларга оғир юк бўлмоқда. Саноатнинг ривожланиши атроф - муҳит ўзгаришига ўзининг охиригача тозаланмаган чиқиндиларни чиқариши билан катта "хис-сасини" қўшмоқда.

Матбуот анжуманида ташкилотчилар журналистларни қазиқтирган саволларга жавоб бериб, иштирокчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимларини атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш масалаларига боғлиқ муаммоларни фаол ёритишга чорлашди.

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ УЧУН

Республика Миллий матбуот марказида «Экосан» халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда 5 июнь Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ниятларидан 25 фоизга юқоридир. 344 минг ўсимлик ва 5 минг 200 турдаги хайвонлар бутунлай йўқ бўлиш арафасидадир. 1,1 миллиард ёки ер шарининг 18 фоиз аҳолиси хавфсиз ичимлик сувидан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга эмас. Бунинг оқибатида ривожланаётган мамлакатлардаги 2,2 миллион киши бевакт ҳаётдан кўз юммоқда - уларнинг кўпчилиги болалардир. 400 миллиондан ортик

Пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида Корея Республикаси давлат миллий рақс ансамбли ижросидаги «Корейс миллий фантазияси» бадий дастури намойиш этилди.

КОРЕЙС РАҚСЛАРИ ЖИЛОСИ

Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги маданий-маърифий воқеалар ривожини муҳим воқеа бўлган ушбу муסיқий кеча Корея Республикасининг бир қатор вазирликлари ҳамда Корея Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси ташаббуси билан тайёрланди.

Корейс давлат рақс ансамбли иштирокчилари маҳорати билан танишиш мақсадида санъат сарой-

ига мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ходимлари ва турли миллат вакиллари ташриф буюрди. Муреахассисларнинг фикрича, корейс миллий аънавий рақси ўзида ваэмин ва енгил ҳаракатларни акс эттириши, нозик ва ёрқин ҳиссий жилоларни мужассам этиши билан корейс халқининг миллий феъл-атвори ва фазилатини ажойиб тарзда очиб бера-

ди. Шу боис ижро этилган ҳар бир рақс мухлислар томонидан олқинлар билан кутиб олинди.

Мазкур ансамбль 1962 йил аънавий миллий рақсни тиклаш ва асраш мақсадида ташкил этилганди. Бугунги кунда у бадий раҳбар Ким Хён Чжа бошчилигида 60 нафар корейлик моҳир ижрочилар иштирокида гўзал корейс миллий рақси ва бой маданияти-

ни дунёга танитиб келаяпти.

Шунингдек, ансамбль халқаро Олимпия ўйинлари ва 2002 йил бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионати ҳамда турли халқаро фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб, кўплаб мухлислар орттирди. Ушбу рақс дастаси концерти орқали ўзбекистонлик томошабинлар ҳам Корея маданияти ва миллий рақси дунёси билан яқиндан танишдилар.

«Жаҳон» ва «Туркистон-пресс» ахборот агентликлари материаллари асосида тайёрланди.

Биласизми?**ТОЗА ХАВО —
ТАНГА ДАВО**

• Олимларнинг ҳисоблашларича, планетамиздаги барча ўсимликлардан йилига 400 миллиард тонна кислород ажралиб чиқади.

• Кислород ҳавонинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳаво ҳажмининг 20,9 фоизини кислород ташкил этади.

• Жонли табиатда кислород ғоят муҳим аҳамият касб этади. У оксил, ёғ ва углеводлар таркибига киради. Хужайра ва тўқималар эса оксил, ёғ ва углеводлардан тузилгандир. Одам организмда 65 фоизга яқин кислород бор.

• Кислородсиз модда алмашинуви бўлмайди. Ҳаётни эса модда алмашинувисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ҳавода кислород бўлиши кишининг ҳаётини заруриятларидан бири ҳисобланган нафас олиш учун керак.

• Ҳавода кислороддан ташқари яна оз миқдорда озон бўлади. Озон кучли оксидловчилик хоссасига эга бўлиб, бактерияларни ўлдиради. Озон одатда булутли электр зарядларидан кейин пайдо бўлади.

• Ҳавонинг таркибий қисмларидан бири бўлган азотнинг ҳам фойдаси катта. Кислород соф ҳолда бўлса одамнинг нафас олиш ва чиқариши ғоятда тезлашади. Одам эса узоқ муддат давомида шундай тезликда нафас олмайдди. Азот ана шу кислородга қўшилиб уни «суюлтиради» ва одамнинг нормал нафас олишини таъминлайди.

• Соф ҳавода маълум миқдорда манфий зарядланган электр зарралари — энгил ионлар ҳам бўлади. Аниқланишича, ҳаво таркибида энгил ионлар миқдори камайса, ҳавонинг софлиги бузилади, натижада киши тез толиқади. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар манфий энгил ионларни «ҳаво витаминлари» деб аташади.

• Ҳаво атмосферасида 0,03 фоиз карбонат ангидрид гази бор. Агар ҳаво таркибида 0,07-0,1 фоиздан зиёд карбонат ангидрид гази бўлса, бу ҳаво тоза ҳисобланади.

Тошкентда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Эндокринология илмий-текшириш институти ҳамкорлигида эндокринологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

ЭНДОКРИНОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунё бўйича 43 миллиондан зиёд кишида йод танқислиги оқибатида келиб чиқувчи ақлий ва жисмоний ривожланишнинг орқада қолиши кузатиламоқда. Айнан организмда ушбу модданинг етишмаслиги натижасида 760 миллион аҳолида бўқоқ касаллиги учрайди. Бу ҳолатнинг ўзи мазкур соҳа вакилларидан даволашнинг янги усулларини жорий этишни ҳамда йод танқислигининг олдини олишга қаратилган аниқ дастур ишлаб чиқишни та-

қозо этмоқда. Ҳозирги кунда эндокринологиянинг долзарб муаммолари нималарда кўринади, бу масалаларни қандай ҳал этиш мумкин, мазмунидоги саволлар илмий-амалий анжуманда тақдим этилган ўттизга яқин маърузаларда ўз аксини топди.

Институт мутахассисларининг таъкидлашларича, олиб бораётган мониторинг бўйича 2002 йилда бўқоқ касаллиги 60-70 фоиз аҳолида учраган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич анча камайди. Бунга асосан йодланган тузнинг ишлаб чиқарилиши сабаб бўлди.

Ҳақиқатан ҳам мутахассислар йод танқислиги хасталиқларини олдини олишнинг энг самарали усули сифатида ош тузини йодлашни ҳамда таркибида шу модда кўп бўлган маҳсулотларни истеъмол қилишни тавсия қиладилар. Шуниси диққатга сазоворки, республикаимиз ҳудудиде сотиладиган мева-сабзавотлар таркибида йод моддасининг миқдори кўп. Охириги ўн йилда мамлакатимизда ош тузини ишлаб чиқаришда ва уни йодлашда катта амалий тажриба орттирилди. Анжуманда эндокринологик касалликларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалалар таҳлил қилиниб, уларни ҳал этиш борасида амалий тақлифлар билдирилди.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
"Туркистон-пресс"

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тадбиркорлар ва мухтарам корхона раҳбарлари!

Биз навқирон, иштирокчи, гайретта тўла ёшларимиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Райрат ва тажрибани бириктириш вақти келди. Чуқиб бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



Тошкент шаҳар "КАМОЛОТ"и тадбиркорларга "Ишлаб топ" ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишни тақлиф қилади. Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақомлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга "Тасвир" нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатла-ниб банд солинган қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади.

2004 йил 11 июнь кунинда қуйида-
ги автомобилотранспорт воситаларининг
кимошди савдоси ўтказилади:

1. "Фиат Темпра СВ" автомобили, 1996 йилда чиқарилган, давлат рақам белгиси М 06-31, бошлангич нархи 2 900 000 сўм;
2. "Ссанг Енг Муссо" автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 26-81, бошлангич нархи 2 000 000 сўм, техник носоз;
3. "БМВ-520" автомобили, 1988 йилда чиқарилган, давлат рақам белгиси Д 23-32 В, бошлангич нархи 4 480 000 сўм;
4. "Маз-5423" юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 583, бошлангич нархи 12 960 000 сўм, техник носоз;
5. "Маз-5423" юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 479, бошлангич нархи 12 960 000 сўм, техник носоз;

6. "Уаз-3303-01" юк автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 96-59 ТНМ, бошлангич нархи 500 000 сўм, техник носоз;
7. "Маз-5549" юк автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 810, бошлангич нархи 750 000 сўм, техник носоз;
8. "ГАЗ 3102" автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 788, техник носоз, бошлангич нархи 11 200 000 сўм.

2004 йил 22 июнь кунинда қуйида-

ги автомобилотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:

1. «Крайслер Племуг Т-15» автомобили, давлат рақами йўқ, йили номаълум, техник носоз, бошлангич нархи 1.000.000 сўм
2. «Газ-53» автомобили, йили номаълум, давлат рақами 10 А 68-69, техник носоз, бошлангич нархи 1.000.000 сўм
3. «Опел Вектра» автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Р 2476, техник носоз, бошлангич нархи 2.000.000 сўм.
4. «БМВ-320» автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, техник носоз, бошлангич нархи 1.000.000 сўм;
5. «Даймлер Бенц-190» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, техник носоз, бошлангич нархи 1.000.000 сўм.

Ким ошди савдолари соат 11-00да бошланади, савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади

Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ўсмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38

Спорт

ЎЗБЕКИСТОН РЕКОРДИ ЎРНАТИЛДИ

МХСК спорт залида оғир атлетика бўйича Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг очик чемпионати бўлиб ўтди.

Унда Республикамининг деярли барча вилоятлари ва қозоғистонлик спортчилар — жами юздан ортиқ оғир атлетикачилар сакизта вазн тоифасида ғалаба учун кураш олиб боришди. Шунингдек, фахрий спортчилар учун ҳам алоҳида мусобақа ташкил этилди.

Турнир ғолиблари рўйхатига назар ташлар эканмиз чемпионатда учтадан олтин нишонлар эгаси бўлган пойтахт ва Андижон вилоятлари спортчилари яхши катнашганлигининг гувоҳи бўламиз. Хамшахарларимиз ҳам ўз муҳлисларини қувонтиришди. Хусусан, 85 килограммгача вазнда Мансур Чашимов хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олган бўлса, 105 килограммгача пахлавонлар ўртасида Александр Уринов 410 килограмм натижа кўрсатган ҳолда олтин нишонни қўлга киритиши билан бирга, силтаб кўтаришда 220 килограммлик штангани забт этган ҳолда Ўзбекистоннинг янги рекордини ўрнатганга ҳам муваффақ бўлди.

Фахрийлар олтита вазн тоифасида ғолибни аниқладилар. Бунда 62 килограммгача вазнда 115 килограмм натижа билан хамшаҳримиз Георгий Аваков зафар кучган бўлса, 94 килограммгача бўлган энг оғир вазнда яна бир тошкентлик спортчи Анатолий Кедрачёвнинг қўли баланд келди.

Ғолиб ва совриндорлар медаллар ва кимматбах соҳвалар билан тақдирланди.

ҲАЛҚА ЙЎЛДА АВТОМОБИЛЛАР ПОЙГАСИ

Шаҳримизда Ҳалқа йўлида автомобиль пойгаси бўйича Ўзбекистон чемпионатининг биринчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

Тўрт тоифадаги пойга машиналарда Тошкент автомобиль федерацияси вакиллари ғалаба учун кураш олиб боришди.

Двигатели ҳажми 1400 см³ бўлган машиналар баҳсида Илья Ледовских энг яхши натижа кўрсатиб ғолиб чиқди. 160 см³ двигатели пойга уловларини бошқариш бобида эса Сергей Стариковга тенг келадиганлар топилмади.

Қолган икки тоифадаги машиналар пойгасида Шерзод Жамалаев ва Александр Литвиненколар рақиблирдан ўзиб кетишди.

Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи босқич баҳслари 20 июнда бўлиб ўтди.

(Ўз мухбиримиз)

Шахмат ҳаққоналари

ЭСКИ РАҚИБЛАР БАҲСИ

Иш юзасидан 1987 йили «Тошкент оқшоми» газетасининг ходими Тўлқин Расулев топшириғи билан Мамажон Муҳиддиновнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан уйга бордим.

«Мақола тайёр, фақат битта газета-боп расм керак», дедим Мамажон акага. У киши ҳозир-ҳозир дедиларда ўн дақиқа ичида архивдан бир расмни топиб бердилар. Энди кетишга отланмоқчи эдим. Мамажон ака:

— Анваржон, фурсатдан фойдаланиб қолайлик, 3-4 партия ўйнайлик, ахир эски рақибимизку? — деб қолдилар.

— Бўлмасам уйга телефон қилиб қўйй, хавотир олманглар, Мамажон аканинг уйидан деб қўйй, — дея жавоб қайтардим.

— Жуда яхши бўлади, мана телефон, — дедилар. Хуллас телефонда гаплашгунимча улар чой қўйиб дамлаб, ҳатто шахмат тахтасини ҳам ўйнашга тайёр қилиб қўйибдилар.

Биламан, 3-4 партия эмас, балки 10-15 партиядан ҳам ортиқроқ ўйнашимизни. Мамажон ака кўп чекардилар айниқса шахмат ўйинида. Хуллас ўйинни бошладик. Шунда соат кеч 19 лар эди. Мамажон ака яхши кайфиятда шахмат донасини сурдилар. Ўйин авжига чиқди. Соат неча бўлди деб сўраб қолдилар. Мен 2 бўлди дедим. Яна

юриш навбати келгунча мен ошхонага бориб чой дамлаб келардим.


Яна сўрадилар соатни. Мен 5 бўлди дедим. Парво қилмадилар. Ахир тонг отиб қолувди-да «Теринг», деб қолдилар шахмат доналарини ва яна иккимиз ўйинга берилиб кетдик. Анча ўйнадик ва у киши яна соатни сўраб қолдилар. Соат 10 дейишимни биламан, Мамажон ака дарров ваннага чопдилар ва соқол олишни бошладилар. «Нима гап», деб сўрасам Тошкент-Наманган самолёти 12-00 да учишини ва билет ва паспортни тортмадан олиб костюларининг ички чўнтағига солиб қўйишимни айтдилар ва «такси чақиринг», дедилар. Ҳаммасини бажардим. Энди чиқиб кетаётганимизда,

кўзлари залда йилтираб турган янги паркет пол устидаги лойни кўриб «бу қардан келди-а» деб қолдилар. Мен эса «Мамажон ака, сигарет куллари паркет устига тушаверган, сиз пайкамагансиз, у лойга айланган», деб айтдим. «Тўппа-тўғри, қани юринг», дедилар.

Орадан икки ҳафта ўтиб Мамажон ака мени тахририятда кўриб роса кулдилар. «Паркетдаги лой, 3-4 партия ўрнига 40-50 партия шахмат ўйнаганимиз тарих ҳангомасига айланиб қолди, Анваржон», дедилар. Биз мириқиб кулишдик.

Анвар ИНОҚОВ, шахмат шарҳловчиси.

МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ



1) Икки юришда мот.
2) Икки юришда мот.

Серкўёш ўлкамизда ёввойи ҳолда ва сунъий шароитларда 300 га яқин кўзиқоринлар ўсади, улардан 25 га яқин тури одамларга истеъмолга яроқли ҳисобланади. Кўзиқоринлар айниқса баҳор фаслида, ҳаво ҳарорати кўтарилиб, тез-тез ёмғир ёққанда ўсиб чиқади.

Шифокор оғоҳлантиради

ЗАҲАРЛИ КЎЗИҚОРИНЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Захарли кўзиқоринлар баъзи истеъмол қилинадиган кўзиқоринларга ўхшаганлиги ва уларни билмасдан янглишиб, тасодифан истеъмол қилиш натижасида одам қаттиқ заҳарланиб қолади. Захарли кўзиқоринларнинг энг хавфлиси оқ кўзиқорин бўлиб, таркибидаги заҳарли моддалар билан марказий асаб тизимини, юрак томирларини, жигар, буйрак ва бошқа органларни шикастлайди. Заҳарланиш кўпинча фожа билан тугайди.

Захарли кўзиқоринларнинг яна бир тури мухамор дейилади. Мухаморнинг таркибидаги заҳарли моддалар жуда кучли бўлиб, баъзан бундай заҳарланиш беморга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса, ўлим билан тугайди. Шунинг унутмаслик керакки, заҳарли кўзиқоринларни қайнатганда, қовурганда ҳам заҳари ўз кучини йўқотмайди. Баҳорда ўсиб чиқадиган кўзиқоринларнинг айрим турлари (сморчок, строчок) таркибидаги гелвелл кислотаси қонга, юракка, буйрак, жигар ва талоққа зарарли таъсир кўрсатади. Сўнгги маълумотларга кўра, буларнинг бири (строчок) таркибидаги гиromетрин заҳарли таъсири жиҳатидан гелвелл кислотадан устун бўлиб, бледная поганка заҳарига яқинлашади. Гиromетрин сувда эримайди, шунинг учун қайнатиб, қайноқ сувга чайганда ҳам заҳарли хусусиятини сақлаб қолади. Кўзиқориндан заҳарланган беморлар уни истеъмол қилганидан сўнг 2-3

соат ўтгач, кўнгли айнайди, қайт қила бошлайди, оғизлари қуриб, қорни оғрийди ва ичи кета бошлайди. Беморларнинг баъзиларида бош оғриғи, уйқусизлик, дармонсизлик бошланади, юрак фаолияти бузилиб, оёқ-қўл мушаклари тиришади. Кўзиқоринлардан уй шароитида тайёрланган, ҳаво кирмайдиган қилиб беркитилган консервалар токсиндан ташқари ботулизм касаллиғи бўйича ҳам хавфли бўлади.

Кўзиқориндан таом тайёрлаганда қуйидаги шартларга риоя қилиш керак:

- Кўзиқоринларни хомлигича ейиш асло мумкин эмас, баҳорги кўзиқоринларни 3-4 ҳафта қуриғи, сўнгра эса бўлади; сморчок тури эса аввал қайнатилади, шўрвасини тўкиб, ўзи бир неча марта қайноқ сувда чайиб ташланади; бозорларда, йўл ёқаларида сотилаётган кўзиқоринларни гигиеник сертификати бўлмаса сотиб олманг ва истеъмол қилманг.

Кўзиқориндан заҳарланган беморларни барвақт аниқлаб, кечиктирмай тиббиёт ходимларига мурожаат қилиш ва шифохонга ётқизиш зарур. Ана шундагина кўнглисиз оқибатларнинг олди олинган бўлади.

Гулмира КАРИМОВА, Шайхонтоҳур туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази Овқатланиш гигиенаси бўлими санитария шифокори.

Футбол

МУРОСА ЙЎЛИНИ ТАНЛАШДИ

Ўзбекистон Кубоги чорак финал беллашувларининг биринчи учрашувида пойтахт шарофини ҳимоя қилаётган «Трактор» жамоаси «Бухоро» командаси билан ўз майдонида куч синашди.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, «Трактор» футболчилари Ўзбекистон Кубогининг чорак финалига қадар барча ўйинларда ғалаба қозониб ўз муҳлисларини шод этишган эди. Аммо чорак финалда рўбарў келган «Бухоро» жамоаси жиддий рақиб чиқиб қолди. Майдон эгалари муваффақият қозонишга қанчалик интилишмасин, бунинг уddасидан чиқа олишмади. Тенг курашлар остида ўтган учрашувда тракторчи Соломин томонидан йўлланган голга меҳмонлардан Саломов аниқ жавоб берди. Ва томонлар 1:1 ҳисобидаги жанговар дурангга «имзо» чекишди. Энди ғолиб тақорий учрашувда маълум бўлади.

«Қизилқум» — «Машъал» баҳси 1:0 ҳисобида мезбонларнинг ғалабаси билан якунланди. Бердикулов томонидан киритилган ягона гол «Қизилқум»га кичик ҳисобдаги ғалабани тухфа этди.

(Ўз мухбиримиз)



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70, эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4127 нусxada босилади. Қирғиз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот босқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Напр кўрсаткичи — 563

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босямоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.